

## Мукофотланган йўлсозлар

---



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 августда имзоланган "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма олти йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иктисодий соҳалар ходимларидан бир гурухини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига биноан, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси тизимидағи корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган бир гурух йўлсозлар ҳам давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишиди. Жумладан,

"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан:

- Жураев Аъзамжон Хайруллаевич - Бағдод тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси, Фаргона вилояти;
- Курбанов Алим Сайтулович - Сирдарё кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси, Сирдарё вилояти

"Меҳнат шуҳрати" ордени билан:

- Каримов Олим Косимович - Бухоро йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси, Бухоро вилояти;

"Шуҳрат" медали билан:

- Эргашев Зокиржон Абдулхамитович – "Қамчиқавтойўл" ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш корхонасининг 257-йўл бўлими юлагич ҳайдовчиси, Наманган вилояти.

Юксак мукофотларга сазовор бўлган йўлсозларимизни чин дилдан қутлаб, уларга соғлик-саломатлик, эл-юрт манфаати ва фаровонлиги йўлидаги фидоий касбларида муваффақиятлар тилаймиз.

[Автомобиль йўллари давлат қўмитаси](#)

[матбуот хизмати](#)